

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

5-сон  
(89)  
2004 й.  
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Учинчи бўлим

52. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 февралдаги 47-сон қарори
53. «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарори
54. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг янги намуналари ни жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 февралдаги 54-сон қарори
56. «Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотларидан ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинадиган техник кўмак, грантлар ва муруvvват ёрдами молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 февралдаги 56-сон қарори
57. «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори

*Бешинчи бўлум*

58. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан ке-чириш тартиби тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 01-02/20-46-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 февралда 1307-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
59. «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактларни (шартномалар) ва битимларни хисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 30 октябрдаги 01-02/19-44-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 февралда 832-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
60. «Пахта хом ашёсига харид нархларни ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахта-саноат» ўюшмасининг 2003 йил 22 декабрдаги 123, 17, 01/172, НН-01/10-4713, 01/4727-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 февралда 1208-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
61. «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида ўёриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 32/13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 3 февралда 1156-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
62. «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 8, 2004-08-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 февралда 1098-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
63. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича хисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 19, 2004-14-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 февралда 1308-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
64. «Республика йўл жамғармасига ажратиладиган маблағларни хисоблаш шаклини давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 6 февралдаги 27-мҳ-сон буйруғи. (*2004 йил 6 февралда давлат реестридан чиқарилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2004 йил 31 январдан 6 февралгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **52 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш де- партаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 декабрдаги 574-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 95-сон қарорининг 3 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 февраль,  
47-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 2 февралдаги 47-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш департаменти (кейинги ўринларда «Департамент» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти республика ёқилғи-энергетика комплекси таркибига кирувчи идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг нефть-газ, энергетика ва геология-разведка тармоқларини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришни таъмин-

лашга доир фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтиришга; ушбу мақсадларда мамлакатнинг энергетика мустақиллигини таъминловчи ёқилғи-энергетика базасини мустахкамлаш ва ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни ташкил этишга; ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга чет эл инвестициялари кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

## **II. Департаментнинг тузилмаси ва мақоми**

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари — Машинасозлик, металургия, кимё, ёқилғи, энергетика ва геология комплекси раҳбари бошчилигига амалга оширади ва бевосита унга ҳисоб беради, ижро интизомини мустахкамлаш масалалари бўйича эса — Вазирлар Махкамаси Аппарати раҳбарига ҳисоб беради.

5. Департамент таркибида қўйидаги гурухлар тузилади:

- а) ёқилғи-энергетика балансларини ишлаб чиқиш гурухи;
- б) қўйидаги дастурларни:

геология-қидиругв ишлари соҳасида дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гурухи;

нефть-газ тармоғида дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гурухи;

энергетика ва кўмир саноати соҳасида дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш гурухи;

в) энергия ресурсларини тежаш масалалари гурухи, Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси котибияти ҳам шу жумлага киради.

6. Департамент ишига мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилган департамент бошлиғи раҳбарлик қиласди.

7. Департамент бошлиғи лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан тайинланади ва озод қилинади.

8. Департамент давлат тилида ёзилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз бланкига ғадир.

## **III. Департаментнинг асосий вазифалари**

9. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мамлакат ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш ҳамда нефть ва газ қидиругвга оид геология-разведка ишлари олиб бориш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда нефть-газ ва энергетика тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлари ва дастурлари, ёқилғи-энергетика ва бирламчи энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланслари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқларини ва республика аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергетикасини, нефть-газ ва кўмир са-

ноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илфор технологиялар негизида замонавийлаштириш ва техника билан қайта жихозлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Устюрт минтақасида ва республиканинг бошқа истиқболли нефть-газли вилоятларида қидируг ва разведка ишларини жадал суръатда амалга оширишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш, ушбу мақсадлар учун чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш;

Нефть ва газ қидиругга оид геология-разведка ишлари, нефть ва газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб олиш ва қайта ишлаш, энергетикани ривожлантириш соҳасида алоҳида йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларининг техника-иктисодий асосланишини ва маблағ билан таъминлаш схемаларини кўриб чиқиш, шунингдек уларни амалга ошириш мониторингини ташкил этиш;

Етакчи хорижий компаниилар ва фирмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирлари комплексини ташкил этиш, республика ёқилғи-энергетика ва геология-разведка тармоғига чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш учун норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, ёқилғи-энергетика тармоғида рақобат учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Энергия манбалари жаҳон бозори мониторинг асосида ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга доир аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Нефть ва газ қидиругга оид геология-разведка, углеводород хом ашё излаб ер қаърини геологик ўрганиш ишларининг стратегик йўналишларини белгилашга доир ишланмаларни мувофиқлаштириш;

Бош вазир ўринбосарининг кўриб чиқиши учун Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган таклифлар эксперт ишлаб чиқилишини, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринбосарининг топшириги бўйича Хукумат қарорлари лойиҳаси тайёрланишини ташкил этиш;

Кўйидаги комиссияларнинг:

Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш; Ягона энергетика тизимиға уланадиган турғун электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш; Нефть, газ ва газ конденсати қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш, магистраль газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, куриш, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш; Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот таксимоти тўғрисидаги битимлар лойиҳаларини кўриб чиқиш комиссиялари самарали ишлашини таъминлаш. Комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда улардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, самарали, энергияни тежовчи технологияларни жорий этишга доир лойиҳалар ва чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### **IV. Департаментнинг асосий функциялари**

10. Департамент ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ кўйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Ёқилғи-

энергетика комплекси тармоқларини ривожлантиришнинг ўртача муддатли ва узоқ муддатли дастурларини, ёқилғи-энергетика ресурслари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини ишлаб чиқиши, улар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантириш стратегияси бўйича тахлилий материаллар ва таклифлар тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларининг молиявий-иктисодий ҳолатини тизимли тахлил этиш ва Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда солик ва нархларни тартибга солиш чора-тадбирларини хисобга олган ҳолда комплекс тармоқларининг молиявий-иктисодий кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида молиявий интизомга риоя этилишини назорат қилиш ишларини ташкил этиш;

республика ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш бўйича алоҳида инвестиция лойиҳалари юзасидан Ҳукумат қарорлари ишлаб чиқилиши, тайёрланиши жараёнини ва уларнинг бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

хорижий давлатларнинг сиёсий ва ишбилармон доираларини, ҳалқаро молия-иктисодиёт институтларини ва чет эл банкларини республика ёқилғи-энергетика тармоғидаги инвестиция мұхитидан ва амалга оширилишида чет эл инвесторлари катнашиши мүмкін бўлган лойиҳалардан кенг хабардор қилиш учун республикада ва чет элда конференциялар ва тақдимотлар ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

чет эл инвесторларини нефть ва газ қидируга оид геология-разведка ишларига жалб қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳалқаро тендерлар ўтказиш ишларини ташкил этиш;

янги геоахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш соҳасида истиқболли ривожлантиришни прогнозлаш, устувор давлат илмий-техник дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг департамент юритадиган масалаларга тегишли бўлган топшириклари ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш.

## V. Департаментнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 11. Департамент қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари котибиятлари ва бўлимларидан, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар, корхоналардан, шунингдек барча даражалардаги давлат бошқаруви органларидан департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича материалларни сўраб олиш;

нефть-газ, энергетика ва геология-разведка тармоқларини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, республиканинг энергетика мустақиллигини ва минерал-хом ашё базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган хорижий инвестициялар жалб қилинган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш масалалари бўйича вазирликлар ва идораларнинг, барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хисоботларини эшлиши ва ўз ваколатлари доирасида уларга топшириклар бериш;

ёқилғи ва энергетика соҳасидаги энг мухим муаммоларни маслаҳатлашиш, ўрганиш ва ҳал этиш учун мамлакатимиз экспертларини ва хорижий экспертларни жалб қилиш, ушбу соҳада таклифлар тайёрлаш учун вақтингчалик ишчи гурухлар тузиш;

халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва кенгашлар ишида, давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорлик масалаларига доир музокараларда қатнашиш;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида кенгашлар ўтиказиш, уларнинг ҳайъатлари ишида, Вазирлар Махкамаси мажлислиарида, ижроия ҳокимият маҳаллий органлари мажлислиарида, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва корхоналардаги кенгашларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари билан, шунингдек ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро, хорижий, молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан мустақил равиша ёзишмалар олиб бориш;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари ахборотидан ва маълумотлар электрон базаларидан фойдаланиш;

## 12. Департамент қўйидагиларга мажбурдир:

нефть-газ қазиб олиш ва қайта ишлаш саноати тармоқларини, энергетика ва кўумир саноатини ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини, улар амалга оширилиши мониторинги ва молиявий ресурслардан, шу жумладан жалб этиладиган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш натижаларини, шунингдек Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари бажарилиши тўғрисидаги хисоботларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Махкамасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари ёқилғи-энергетика комплекси идоралари ва хўжалик бирлашмалари томонидан бажарилиши устидан амалий назорат қилиш;

халқаро компаниялар ва фирмаларнинг, хорижий ҳукумат муассасалари молиявий ва иқтисодий ташкилотларининг ёқилғи-энергетика тармоғида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифларини ишлаб чиқиш.

Департамент ўзи томонидан қабул қилинадиган қарорлар учун амалдаги қонун хужжатларида ва мазкур Низомда белгиланган ўз ваколатлари доирасида жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **53 Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви республика органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонига мувофиқ ҳамда архив ишини бошқариш органлари фаолияти самардорлигини ошириш, архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш максадида Вазирлар Махкамаси **карор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси («Ўзбошархив» бошқармаси) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги («Ўзархив» агентлиги)га айлантирилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;  
архив иши соҳасидаги қонун хужжатларининг амалда бажарилишини ва уларга риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фонди хужжатларини шакллантириш, уларнинг сақланишини, давлат хисобини таъминлаш ва улардан фойдаланиш;

республика давлат архивларини бошқариш, уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

республикада архив ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

архившунослик ва археография соҳасида илмий ва методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини республика архив муассасалари ишлари амалиётига жорий этиш;

архив иши соҳасидаги мамлакатимиз ва чет эл иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқукий вориси хисобланади.

#### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмаси ва унинг ходимларининг чекланган умумий сони 10 нафардан, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 9 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

архив иши худудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги Бош директорига марказий аппарат тузилмасига белгиланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуки берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигида Бош директорнинг бир нафар ўринбосари ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган 5 кишидан иборат хайъат бўлишига рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг Бош директори мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директор ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, архив иши худудий бошқармаларининг бошлиqlари Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишув бўйича «Ўзархив» агентлигининг Бош директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги марказий аппарати ва худудий органлари, шунингдек унга карашли давлат архивларининг таъминоти харажатлари давлат бюджети маблағлари ва амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар хисобига молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хар йили республика бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва унинг ҳудудий органлари таъминоти ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур маблағларни назарда тутсиз;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлигига марказий аппарат учун иккита енгил автомобилни сақлашга лимитни сақлаб қолсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги бир ой муддатда архив иши бўйича тегишли ҳудудий органларни қайта ташкил этсин ва улар тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлигини Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви кутубхонаси учун тарихий илмий нашрлар ва даврий матбуотнинг назорат нусхаларини олувчи ташкилотлар рўйхатига киритсан.

11. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги тизими муассасалари, республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан тузилган шартномаларга мувофиқ архив иши бўйича олий ва ўрта маҳсус, касб-хунарга оид маълумотли кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этсинлар;

архив иши бўйича олий ва ўрта маҳсус, касб-хунарга оид маълумотли кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи ўқув юртларини юқори малакали ўқитувчилар билан таъминласинлар;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан биргаликда «Архившунослик» курси бўйича зарур дарсликлар, ўқув дастурлари ва методик қўлланмалар нашр этилишини таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлигининг марказий аппарати Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчасидаги, 2-ўйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) 1-банди тўртинчи хатбоши ўз кучини ўйқотган деб хисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзархив» агентлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.


15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 февраль,  
49-сон


Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги  
«Ўзархив» агентлигининг ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
«Ўзархив» агентлигининг марказий аппарати тузилмаси**



Ходимларининг чекланган умумий сони — 10 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 9 киши

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### Архив иши худудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 78 киши, улардан бошқарув ходимлари — 56 киши, шу жумладан Андижон, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — 7 (2) кишидан, Қорақалпоғистон Республикасида, Наманган, Самарқанд вилоятларида — 6 (2) кишидан, Хоразм вилоятида — 5 (1) киши, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятларида — 4 (1) кишидан (қавсда хизмат кўрсатувчи ходимлар сони кўрсатилган).

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
«Ўзархив» агентлиги («Ўзархив» агентлиги) тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигининг (кейинги ўринларда «Ўзархив» агентлиги деб юритилади) мақоми, вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини «Архивлар тўғрисида», «Маданий мерос объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда «Ўзархив» агентлиги фаолиятига тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар давлат архивлари ва уларнинг филиаллари, Тошкент шаҳар Давлат архиви «Ўзархив» агентлиги тизимиға киради.

3. «Ўзархив» агентлиги республикада архив иши соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

4. «Ўзархив» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси га, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва бошқа қонун хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек бошқа қонун хужжатларига ва ушбу Низомга амал қиласди.

5. «Ўзархив» агентлиги халқаро ташкилотларда архив иши ва уни юритиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилувчи ваколатли орган ҳисобланади.

6. «Ўзархив» агентлиги ўзига юкланган вазифаларни бевосита, шунингдек ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган холда «Ўзархив» агентлиги томонидан тасдиқланган улар тўғрисидаги низомлар асосида амалга оширувчи, ўзига бўйсунадиган ҳудудий органлар орқали ҳал қиласди.

**II. «Ўзархив» агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Қўйидагилар «Ўзархив» агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
архив иши ва уни юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;  
архив иши соҳасидаги қонун хужжатларининг амалда бажарилишини ва уларга риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фонди хужжатларини шакллантириш, уларнинг сақланишини, давлат ҳисобини таъминлаш ва улардан фойдаланиш;

архив ишининг холатини таҳлил килиш, тенденциялари ва қонуниятларини ўрганиш, уни ривожлантириш ўйналишларини белгилаш;

республика давлат архивларини бошқариш, уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

республикада архив ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

архившунослик ва археография соҳасида илмий ва методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютукларини республика архив муассасалари ишлари амалиётига жорий этиш;

архив иши соҳасидаги мамлакатимиз ва чет эл илфор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

8. «Ўзархив» агентлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

республика архив иши ва уни юритишининг миллый дастурларини ва концепцияларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини ташкил қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фондини хужжатлар билан тўлдириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича қонун хужжатлари ва норматив хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат архивлари шохобчаларини ривожлантириш ва уларнинг тузилмаларини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил қиласди ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари фаолиятига раҳбарлик қиласди;

давлат архивларининг архившунослик, хужжатшунослик, археография соҳасидаги илмий-методик ишларини ташкил қиласди ва мувофиқлаштиради, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютукларини архив иши амалиётига жорий қиласди;

давлат архивларида хужжатлардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

архив иши соҳасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уларнинг республика ва маҳаллий даражалардаги фаолияти учун тенг шартшароитлар яратиш ўюли билан мувофиқлаштириб боради, фойдаланувчиларнинг хукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди;

хужжатларнинг илмий ва амалий қимматини экспертизадан ўтказишни ҳамда уларни доимий сақлаш учун давлат архивларида ташкил қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фондининг давлат архивларидағи хужжатларини тўлдириш, сақлаш ва ҳисобга олишни ташкил қиласди, хужжатларнинг сақланиши, уларнинг кўрсатиб ўтилган архивларга берилиши ҳамда ушбу хужжатлардан фойдаланилиши бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қиласди;

давлат томонидан сақланиши учун берилиши керак бўлган, шу жумладан сақлаш муддати кўрсатилган хужжатларнинг намунавий рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, республика бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилган хужжатларнинг идоравий рўйхатларини келишади;

хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фонди таркибига киритилиши керак бўлган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тоифасини белгилайди;

хужжатларни республика аҳамиятига ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган архив фондлари таркибига киритиш масалаларини ҳал қиласди, республика аҳамиятига эга бўлган фондларни Ўзбекистон Республикаси Давлат архивларида тўплаш, шунингдек Ўзбекистон доирасида хужжатларни Ўзбекистон Республикаси, Коракалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри давлат архивларидан вилоятларнинг давлат ар-

хивларига ва аксинча, бир вилоятнинг давлат архивидан бошқа вилоятнинг давлат архивига бериш тадбирларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини доимий равишда саклайдиган архив муассасалари гувоҳномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг республика давлат архивларида рўйхатга олинишини ташкил қилади;

архив муассасалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга фаолият соҳаси бўйича кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхатини ва прејскурантларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлади;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг марказлаштирилган давлат хисобини юритади;

юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон худудида қадимий хужжатли ёдгорникларни тўплашга ва Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини республикадан ташқарига вақтинча олиб кетишга белгиланган тартибда маҳсус рухсатномалар беради;

давлатга қарашли бўлмаган архив фонди хужжатларини сотиб олиш юзасидан давлатнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга оширади, бу борада «Ўзархив» агентлиги тизими органлари ва муассасаларига кўмаклашади;

архив хизматлари ва идоравий архивлар ишига тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарликни ва назоратни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органлари ишларини юритишида хужжатларнинг ташкил этилишини назорат қилади;

идоравий архивлар шохобчаларини ривожлантириш ва уларнинг ишларини ташкил этиш бўйича тадбирларда қатнашади;

архив хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги маълумотнома-ахборот адабиётларини нашр этишни ташкил қилади, ретроспектив ахборотларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни ва хужжатлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

республика ташқарисидаги архив хужжатларини қайтариш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади ва белгиланган тартибда киритади, чет элдаги Ўзбекистон тарихига оид архив хужжатларини аниқлашни ва уларни ёки уларнинг нусхаларини сотиб олишни ташкил этади;

давлатга қарашли бўлмаган архивлар эгаларига ушбу архивларнинг хужжатларини тўлдириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда кўмаклашади;

республика бюджети лойиҳасига «Ўзархив» агентлигига бевосита бўйсунган архив муассасалари таъминотига харажатлар тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади, уларнинг молиялаштирилишини ва сарфланиши назорат қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг архив иши ва уни юритиш соҳасидаги халқаро фаолиятини амалга оширувчи ваколатли маъмурий органи сифатида иш кўради. Халқаро ташкилотларнинг архив иши ва уни юритиш соҳасидаги конгрессларида, съездларида, конференцияларида Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади, архив иши ва уни юритиш соҳасида халқаро идоралараро битимлар ва шартномаларни белгиланган тартибда тузади;

архив иши ва уни юритиш соҳасидаги халқаро, ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

архив иши ва уни юритиш учун халқаро молия институтлари, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

архив иши ва уни юритиш соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тендерлар, танловлар ва савдоларни ташкил қиласди ва уларни ўтказишида қатнашади;

архив муассасалари, идоравий архивлар ҳамда Республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишларни юритиш хизматлари ходимларини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қиласди;

архив иши соҳасидаги кадрларни сифатли тайёрлашда олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар ўкув юртларига кўмаклашади;

фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил қиласди; консуллик сўровлари бажарилишини таъминлайди.

«Ўзархив» агентлиги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

### **III. «Ўзархив» агентлигининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

9. «Ўзархив» агентлиги қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ, архив иши ва уни юритиш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлган норматив хужжатларни нашр этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, тармоқ давлат фондлари, Республика музейлари ва кутубхоналарининг қўллэзмалар бўлимларининг идоравий сақлаш босқичидаги архив хужжатлари сақланишининг холати ва иш юритиш ташкил этилиши тўғрисидаги ҳисботларни эшлиши, «Ўзархив» агентлиги ваколатига тегишли масалалар бўйича ахборотни улардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини доимий сақловчи Республика давлат архивлари, тармоқ давлат фондлари, вазирликлар, давлат қўмиталири, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кутубхоналар ва музейларнинг қўллэзмалар бўлимлари, сиёсий, жамоат, диний ташкилотлар ва бирлашмалар, қўшма корхоналар ва бошқа юридик шахслардан, шунингдек фуқаролардан «Ўзархив» агентлиги Республика фонд каталоги учун тегишли маълумотларни олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви Республика органларидан ҳамда идоравий бўйсунишдан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан архивнинг иши ва иш юритиш хужжатларини ташкил этиш тўғрисида зарур материалларни олиш;

мансадбор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг ўғирланиши, яроқсиз ҳолга келтирилиши, яширилиши ёки ноқонуний йўқ қилинишига олиб келган шароитлар яратганлиги ҳоллари тўғрисида тергов органларига хабар қилиш;

архив иши ва уни юритиш масалаларини кўриб чиқиш учун доимий ва вактинчалик идоралараро комиссиялар, кенгашлар тузиш;

Республика вазирликлари ва идоралари томонидан ишлаб чиқиладиган архив иши ва иш юритиш хужжатларини ташкил этиш масалалари бўйича қоидалар, низомлар, йўриқномалар, ўкув дастурлари ва бошқа норматив хужжатларни келишиб олиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳалқаро ташкилотлар, шунингдек хорижий мансабдор ва хусусий шахслар билан алоқаларни амалга ошириш, архив иши бўйича белгиланган тартибда ҳалқаро, идоралараро шартномалар тузиш;

архившунослик, хужжатшунослик ва археография соҳасидаги ишларни бажашиб юзасидан танловлар эълон қилиш.

«Ўзархив» агентлиги ўзига юкланган вазифалардан келиб чиқадиган ўз ваколатлари доирасидаги бошқа ҳукуқларга ҳам эгадир.

«Ўзархив» агентлигининг мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, республика корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бирлашмаларининг архивлари ва иш юритиш хизматларига белгиланган тартибда кириш ҳукуқига эгадирлар.

10. «Ўзархив» агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини шакллантириш; архив ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш; республика давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш; архив ҳужжатларидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари учун фойдаланиш; архив иши ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш учун жавоб беради.

#### **IV. «Ўзархив» агентлиги фаолиятини ташкил этиш**

11. «Ўзархив» агентлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош директор раҳбарлик қиласи.

Бош директорнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган бир нафар ўринбосари бўлади.

Бош директор лавозимига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директор ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

«Ўзархив» агентлигининг Бош директори:

«Ўзархив» агентлигига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради ҳамда ўринбосарнинг ва тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

«Ўзархив» агентлиги аппарати ходимларини, Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари директорларини ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласи;

зарур холларда республика вазирларлари, давлат қўмиталари ва идоралари раҳбарлари билан биргаликда архив иши ва иш юритишида ҳужжатларни ташкил этиш масалалари бўйича буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқаради;

«Ўзархив» агентлиги аппаратининг таркибий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикасининг Агентликка бевосита бўйсунувчи марказий давлат архивлари тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга эгадир.

12. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиqlари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишув бўйича «Ўзархив» агентлиги Бош директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

13. «Ўзархив» агентлигига таркибига «Ўзархив» агентлигининг Бош директори (ҳайъат раиси), лавозимига кўра Бош директорнинг ўринбосари, «Ўзархив» агентлиги тизимининг раҳбар ходимлари кирадиган 5 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўз мажлисларида архив ишини ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш, идоралароро ва давлатлараро алоқаларни ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳамда фаолиятнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади, конун хужжатлари ва норматив хужжатлар лойиҳаларини муҳокама килади.

Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, «Ўзархив» агентлиги буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бош директор ва ҳайъат ўртасида келишмовчилик пайдо бўлганда Бош директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда ўз қарорини ҳаётга татбиқ этади. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

14. «Ўзархив» агентлиги ҳузурида:

республикада архив ишининг илмий муаммоларини кўриб чиқиш бўйича илмий кенгаш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди таркибини белгилаш ва хужжатларнинг қимматини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун марказий эксперт-текшириш комиссияси фаолият кўрсатади.

Кўрсатиб ўтилган кенгаш ва комиссия тўғрисидаги низом ҳамда уларнинг шахсий таркиблари «Ўзархив» агентлиги Бош директори томонидан тасдиқланади.

15. «Ўзархив» агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, шунингдек амалдаги конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

16. «Ўзархив» агентлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб ракамларига эга бўлади.

17. «Ўзархив» агентлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **54 Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаларининг янги намуналарини жорий этиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини но-конуний олиб келиш ва ишлаб чиқаришнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чораларга қарамай, республика ҳудудида маркаланмаган ёки қалбаки акциз маркалари билан маркаланган, контрабанда йўли билан олиб келинган сифатсиз маҳсулотларни сотиш холлари давом этмоқда.

Акциз маркаларидаги ҳимоянинг амалдаги даражаси уларни қалбакилаштириш ва нусха олиш ҳолларига тўлиқ барҳам бериш имконини бермаяпти, натижада бозорда қалбаки маркалар тез-тез учрамоқда.

Акциз маркаларини қалбакилаштириш, сифатсиз ва сохталаштирилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб келиш ва сотиш ҳолларининг олдини олиш, шунингдек бюджетга даромадлар тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси томонидан «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда химоянинг қўшимча даражаларини жорий этиш, шу жумладан голографик чизиқ тушириш йўли билан алкоголли ва тамаки маҳсулотларига ёпиштириладиган акциз маркаларининг химояланиш даражаси кучайтирилишини таъминлайдиган ва уларни қалбакилаштириш ҳолларини истисно этадиган янги дизайни ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олиб келинаётган ва ишлаб чиқариладиган алкоголли ва тамаки маҳсулотларига 2004 йил 15 февралдан бошлаб янги намунадаги акциз маркалари жорий этилсин.

Илгари амалда бўлган акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси худудида 2004 йил 15 августдан бошлаб сотиш тақиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисидаги низомни белгилangan тартибда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси: икки кун муддатда алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларни акциз маркаларининг янги намуналари жорий этилганлигидан хабардор қилсинлар;

ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчиларнинг акциз маркаларининг янги намуналарини тайёрлаш учун буюртмалари «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига ўз вақтида берилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов ва М. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 февраль,  
54-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**56 Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотларидан ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинадиган техник қўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида**

Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинадиган техник қўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий

маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш, шунингдек ноқонуний «ифлос» молиявий маблағларни ҳалоллаб олиш имкониятлари ва каналарини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. 2004 йилнинг биринчи чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ҳалқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинадиган техник кўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий маблағлари (бегараз кўмак) бўйича бирхиллаштирилган давлат статистика ҳисоботи жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бегараз кўмак молиявий маблағларини жалб этиш, ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш мониторинги бўйича давлат ҳисоботи шаклини бир хафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

2. Бегараз кўмак доирасида тушадиган молиявий маблағларга банк хизмати кўрсатиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг таклифига розилик берилсин ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга — техник кўмак, грантлар ва мурувват ёрдами олувчиларга (шундай кўмак бўйича) хизмат кўрсатиш, бегараз кўмак олувчиларни банк воситачилик ҳақи тўлашдан озод қилган ҳолда, кўрсатиб ўтилган банкларнинг бўлинмаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки техник кўмак, грантлар ва мурувват ёрдами олувчиларнинг ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш учун маҳсус филиалларни белгиласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича Идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов) Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этиладиган умумлаштирилган ахборотлар асосида бегараз кўмак доирасида тушаётган молиявий маблағларнинг жалб этилиши ва ўзлаштирилиши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 4 февраль,  
56-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **57      Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмла- рини жорий этишни давом эттириш тўғрисида**

Маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизmlарини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилиши механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

### 1. Қуйидагилар:

республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизmlарини жорий этиш чора-тадбирлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Пахта толасини бозор талабларидан келиб чиқиб сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун хисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори билан белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

### 2. Белгилансинки:

1 ва 2-иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни биржа ва кимошли савдоларига қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланадиган тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ йил давомида тенг равишда амалга оширилади;

биржалар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ сотилган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкаларини, кимошли савдоларида шаклланган нархларни эса — савдо якунларига кўра ҳар ҳафтада очик матбуотда ва Интернет тармоқларидағи ўз сахифаларида эълон қилишлари шарт;

монополист корхоналарнинг 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охирги санада эълон қилинган биржа (кимошли савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин;

монополист корхоналар томонидан монопол маҳсулотлар биржа савдолари ва кимошли савдолари орқали, шунингдек биржа (кимошли савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган тақдирда эълон қилинган чекланган нархни ошириб юборганларлари учун уларга монополияга қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазолар қўлланилмайди.

Биржа савдоларида (кимошли савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсулотларга (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) шартномалар ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки товарларнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркumi учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартларида тузилади.

\* 4-илова берилмайди.

3. 2004 йил 1 апрелдан бошлаб қўйидагича тартиб жорий этилсин, унга кўра: табиий газ истеъмолчилари (ахоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага\* мувофиқ корхоналардан ташқари) тузилган шартномаларга мувофиқ берилган табиий газ ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камидаги 30 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналар тузилган шартномаларга мувофиқ олинган ресурслар ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камидаги 15 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

ахоли истеъмол қилинган табиий газ учун ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида, хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича ёки белгиланган нормативлар бўйича ҳақ тўлайди.

Белгилаб қўйилсинки, 5-иловага мувофиқ корхоналарга ҳақи тўланмаганлиги учун табиий газ бериши қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ бериши тўлиқ узиб қўйиш эса — фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

4. Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчилар томонидан 2-иловага киритилган, белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган маҳсулотдан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва улар қайта сотилмайди.

Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар истеъмолчилар томонидан қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади ва олинган даромад суммасининг 100 фоизи миқдорида жарима солинади, жарималар суммаси бюджетга ўтказилади.

Ресурсларни қайта сотиш ҳолларига йўл қўйган корхоналар раҳбарлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси «Ўздавенергоназорат» инспекцияси, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзиккиласчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг ҳар қайси тури бўйича маҳсулотни биржа ва кимошли савдоларига қўйиш ва сотишнинг пухталаштирилган тартибини ишлаб чиқсанлар ва тасдиқласинлар. Бунда тартибда шартнома мажбуриятлари бажарилиши, ўз вактида ҳақ тўланиши ва шартнома интизомини бузганлик учун жарима белгиланиши устидан қатъий назорат килиш механизми назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси лицензия битимларига мувофиқ биржа котировкалари ва кимошли савдолари нархлари ҳар хафтада оммавий ахборот воситаларида ўз вактида эълон қилиниши ва уларнинг ишончлилиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир

---

\* 5-илова берилмайди.

оид муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартериш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсилар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 5 февраль,  
57-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тутатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати**

1. Иккиламчи алюминий
2. Тозаланган мис
3. Металл рух
4. Кабель-сим маҳсулотлари
5. Чигит шулхаси
6. Шрот (кунжара)
7. Ем бўладиган дон
8. Оқишоқ
9. Қанд-шакар
10. Ун (2004 йил II ярим йиллигидан бошлаб)
11. Ўсимлик мойи

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати**

1. Электр энергияси
2. Табиий газ
3. Автомобиль бензини
4. Дизель ёқилғиси
5. Ёқилғи мазути
6. Авиация керосини
7. Кўмир
8. Пахта момифи
9. Минерал ўғитлар
10. Қора металлар прокати

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Моддий-техника ресурслари стратегик турларини  
сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом рўйхати қарорга 2-иловада келтирилган моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартибини назарда тутади.

2. Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларидан фойдаланишнинг асосий ўналишлари белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқланадиган моддий балансларда белгиланади ва улар қуидагиларни ўз ичига олади:

экспортга етказиб бериш;

давлат эҳтиёжлари учун, шу жумладан маҳсус истеъмолчиларга етказиб бериш;

давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш учун етказиб бериш; белгиланган тартибда тасдиқланган давлат буюртмаси ҳажмларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етказиб бериш;

ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидаи эҳтиёжлари учун ҳажмлар;

истеъмолчиларнинг тоифаларига лимитлар;

маҳсулотларни биржа ва ким ошди савдоларида сотиш ҳажмлари;

истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар бўйича етказиб бериш.

3. Давлат эҳтиёжлари таркибида, моддий-техника ресурслари спецификасига кўра, бюджет ташкилотларининг уларга ажратилган бюджет маблағлари доирасидаги эҳтиёжлари, белгиланган нормативлар ва ажратилган бюджет маблағлари доирасида давлат стратегик захирасини тўлдириш ва янгилаш, белгиланган тартибда тасдиқланган давлат буюртмаси ҳажмларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш хисобга олинади.

4. Маҳсулотлар давлат эҳтиёжлари, давлат стратегик захираси ресурсларини тўлдириш ва янгилаш, давлат буюртмасига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқ ичидаи эҳтиёжлари учун, истеъмолчиларнинг айрим тоифаларига лимитлар бўйича, электр энергияси, табиий газ ва авиакеросин эса – шунингдек истеъмолчилар билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган (эълон қилинган ёки белгиланадиган) нархлар бўйича сотилади.

5. Амалдаги қонун хужжатларида монопол маҳсулот сифатида белгиланган маҳсулотларни биржа (кимошди) савдоларида қўйиш қонун хужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нарх даражасидаги бошланғич нарх билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар биржа ва кимошди савдоларида талаб ва таклифнинг бозор нархлари бўйича сотилади. Биржалар хар хафтада очик матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз сахифаларида сотилган маҳсулотнинг ўртacha биржа нархи котировкаларини (кимошди савдоси нархларини) эълон қилишлари шарт.

Маҳсулотларни биржа ва кимошди савдолари орқали сотища бошланғич нархдан ортиқча олинган пул маблағлари ишлаб чиқарувчи корхоналар тасарруфига ўтади.

6. Монополист корхоналарнинг маҳсулоти тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, охирги санада эълон қилинган биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилади (электр энергияси ва табиий газдан ташкари).

7. Монопол маҳсулотни биржа ва кимошди савдолари орқали, шунингдек биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотадиган монополист корхоналарга монополияга карши қонун хужжатларида назарда тутилган эълон қилинган ёки белгиланган чекланган нархларни ошириб юборганликлари учун жазолар қўлланмайди.

8. Биржа савдоларида (ким ошди савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган маҳсулотлар (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) юзасидан шартномалар ҳакини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган товарларнинг ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартлари билан тузилади.

9. Карорда белгиланган шартларда ҳакини тўлашни ёки аккредитив қўйишни рад этиш «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ҳаридор томонидан сотувчи фойдасига тўланадиган жарима жазолари қўлланишига олиб келади.

## II. Электр энергиясини сотиш тартиби

10. Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш истеъмолчилар ва энергия сотувчи ташкилотлар ўртасида календарь йил учун тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, истеъмолчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ чораклар бўйича таксимлаган ҳолда, бюджетдан молиялаштириладиган истеъмолчилар учун эса — ажратиладиган бюджет маблағларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Электр энергиясини истеъмолчиларнинг барча тоифаларига етказиб бериш белгиланган тарифларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Электр энергиясини истеъмолчиларнинг барча тоифаларига (аҳолидан ташкари) навбатдаги ой учун етказиб бериш тегишли ой учун шартномада назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизи учун ҳақ аванс тариқасида тўлангандан кейин, ўтган даврда истеъмол қилинган электр энергияси учун 60 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш шарти билан амалга оширилади.

13. Аҳоли истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳақини ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича тўлайди.

14. Электр энергияси истеъмолчи айби билан шартномада кўрсатилган миқдордан кам истеъмол қилинган тақдирда аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди, улар кейинги истеъмолда ҳисобга олинади.

15. Истеъмолчилар (аҳолидан ташкари) билан энергияни сотувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда шартномада кўрсатилганидан 5 фоиздан 10 фоизгача ортиқча истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи миқдорида энергияни сотувчи ташкилотлар фойдасига жарима жазолари тўлаш ҳамда шартномада кўрсатилганидан 10 фоиздан ортиқ миқдорда истеъмол қилинган электр энергияси учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи миқдорида жарима жазолари тўлаш назарда тутилади, ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

16. Истеъмолчилар билан энергия сотиши ташкилотлари ўртасидаги шартномаларда бир чоракда электр энергияси шартномадаги миқдордан 5 фоиздан кўп миқдорда олинмаганда (давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар ва аҳолидан ташкари) ва тўлиқ берилмаган тақдирда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти-

нинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жарима жазолари назарда тутилади.

17. Истеъмолчининг таклифига кўра мўлжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг ўзгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб хисобланмайди.

18. Электр энергияси беришни тўхтатиш шартлари шартномалар тузишда қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда назарда тутилади.

19. Электр энергиясини ҳақини тўламаганлик учун саноат корхоналарига беришни тўхтатиб қўйиш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технologик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса факат суд қарори бўйича амалга оширилиши мумкин.

### **III. Табиий газни сотиш тартиби**

20. Истеъмолчиларнинг барча тоифаларига табиий газ етказиб бериш газ билан таъминловчи ташкилотлар билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича истеъмол қилиш лимитларини белгиламасдан истеъмолчиларнинг буюртманомалии асосида, бюджетдан молиялаштириладиган истеъмолчилар учун эса — ажратиладиган бюджет маблағларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Табиий газни истеъмолчиларнинг барча тоифаларига етказиб бериш белгиланган нархларга мувофиқ амалга оширилади.

22. Истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ҳақини ўз вақтида тўлайдиган аҳолига табиий газ етказиб бериш чеклашларсиз амалга оширилади.

23. Табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва қарорга 5-иловада кўрсатилган корхоналардан ташқари) берилган табиий газ ҳақини тузилган шартномаларга мувофиқ тўлиқ тўлаган ҳолда шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камидаги 30 фоизининг ҳақини навбатдаги календарь ой бошлангунгача аванс тарикасида тўлайдилар.

24. Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва қарорга 5-иловада кўрсатилган корхоналар олинган ресурслар ҳақини тузилган шартномаларга мувофиқ тўлиқ тўлаган ҳолда шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камидаги 15 фоизининг ҳақини навбатдаги календарь ой бошлангунгача аванс тарикасида тўлайдилар.

25. Аҳоли истеъмол қилинган табиий газ ҳажми ҳақини ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ва белгиланган нормативлар бўйича тўлайди.

26. Табиий газ истеъмолчи айби билан шартномада кўрсатилган миқдордан кам иsteъmol қилинган тақдирда аванс тарикасида тўланган маблағлар кайташиб берилмайди, улар кейинги иsteъmol қилишда ҳисобга олинади.

27. Газ иsteъmolchilar томонидан етказиб берувчи билан келишиб олмасдан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олиниши етказиб берувчига ортиқча олинган газ учун қонун хужжатларида белгиланган ва шартномаларда кўрсатиб ўтилган миқдорларда оширилган ҳақ тўланишига олиб келади.

28. Иsteъmolchining taklifiga кўра мўлжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан кеч бўлмаган муддатда киритилган табиий газнинг навбатдаги ой (чорак) учун ҳажмлари ўзгартирилиши табиий газнинг кўrсатилган ҳажмлари бўйича ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

29. Табиий газ шартномадаги миқдордан кам берилган тақдирида истеъмолчилар ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида шартномаларда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ жарима жазолари назарда тутилади.

30. Истеъмол қилишнинг хисобланган даври бошлангунгача олдиндан ҳақ тўлашни таъминламаган ёки якуний ҳисоб-китоб қилишни шартномаларда белгиланган муддатларда ўз вақтида амалга оширган улуржи истеъмолчиларга табиий газ бериш тўхтатилади.

Табиий газни, шу жумладан аҳолига беришни тўхтатиш шартлари шартномалар тузишида назарда тутилади.

#### **IV. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси сотиш тартиби**

31. Автомобиль бензинини ажратилган лимитлар бўйича давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш ҳажмлари учун қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига, стратегик давлат захирасини тўлдириш ва янгилаш учун сотиш истеъмолчилар ва нефть базалари ўртасидаги шартномалар бўйича белгиланган нархларга биноан ҳакини 100 фоиз олдиндан тўлаган ҳолда, дизель ёнилғисини эса — ҳақининг 30 фоизини олдиндан тўлаб, етказиб берилган ресурслар учун тўлиқ ҳақни 60 кун мобайнida тўлаган ҳолда амалга оширилади.

32. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Тошхарийўловчitrans» уюшмасига «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси томонидан сотиш ҳакини 100 фоиз олдиндан тўлаган ҳолда ёки чақириб олинмайдиган аккредетив остида белгиланган нархлар бўйича буюртма берилган эҳтиёжга мувофиқ нефть базалари билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

33. Нефть маҳсулотлари экспортга, қоидага кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан балансларда тасдиқланган ҳажмлар доирасида сотилади.

34. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси, мазкур Низомнинг 31—33-бандларида назарда тутилган ҳажмлардан ташкари, ёпиқ (бозор фонди) ва очик биржа савдолари орқали сотилади.

35. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғисига ёпиқ биржа савдолари Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида ташкил этилади. Бозор фонди ресурслари «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари томонидан уларнинг ўзларининг брокерлик ўринлари орқали савдога қўйилади. Тегишли лицензияларга эга бўлган автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари харидорлар хисобланади.

Ёпиқ биржа савдоларида бошлангич нарх нефть базаларининг эълон қилинадиган чекланган устамалари қўшилган ҳолда нефтни қайта ишлаш заводларининг эълон қилинган чекланган нархлари даражасида белгиланади. Савдо натижалари бўйича шартномалар нефть базалари ва автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари ўртасида ҳақи 100% олдиндан тўланиши шартлари билан тузилади.

Автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчалари автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини аҳолига белгиланган нархлар бўйича нақд пулга сотади.

36. Автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси ресурслари товар-хом ашё биржаларининг очик биржа савдоларига «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари томонидан уларнинг ўзларининг брокерлик ўринлари орқали қўйи-

лади. Очиқ биржаса савдоларида автомобиль бензини ва дизель ёнилғисини харид қилиш республика истеъмолчиларининг барча тоифалари томонидан тегишли брокерлар орқали амалга оширилади.

Очиқ биржаса савдоларидаги бошлангич нарх нефть базаларининг чекланган устамалари ҳисобга олинган ҳолда нефтни қайта ишлаш заводларининг эълон қилинадиган чекланган нархлари даражасида белгиланади.

Очиқ биржаса савдолари натижалари бўйича шартномалар нефть базалари ва бевосита истеъмолчилар ўтасида ҳаки 100% олдиндан тўланиши шартлари билан тузилади ҳамда етказиб бериш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига олади.

Очиқ биржаса савдоларида сотиб олинган автомобиль бензини ва дизель ёнилғиси қайта сотилиши мумкин эмас.

#### **V. Ёқилғи мазутини сотиш тартиби**

37. Ёқилғи мазути давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига, «Иссиклик манбаи» минтақавий ишлаб чиқариш бирлашмаларига, «Тошимисиклик марказ» бирлашмасига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича етказиб берилган ресурслар учун 60 кун мобайнода тўлиқ ҳак тўланган ҳолда 30 фоизи олдиндан тўлана-диган белгиланадиган нархлар бўйича сотилади.

38. Республика истеъмолчилари учун балансда назарда тутилган ҳажмларда ёқилғи мазути, мазкур Низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳажмлардан ташқари, истеъмолчиларга биржаса савдолари орқали сотилади. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари савдолардаги сотувчилар ҳисобланади. Биржаса савдоларида ёқиладиган мазут республика истеъмолчиларининг барча тоифалари томонидан тегишли брокерлар орқали сотиб олинади.

Биржаса савдоларига кўйиладиган ёқилғи мазутининг бошлангич нархи эълон қилинадиган нарх даражасида белгиланади.

Биржаса савдоларида сотиб олинган ёқилғи мазути қайта сотилиши мумкин эмас.

#### **VI. Кўмир сотиш тартиби**

39. Балансдаги тасдиқланган ҳажмларга мувофиқ кўмир сотиш бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларга, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясига етказиб берилган кўмир учун 60 кун мобайнода тўлиқ ҳак тўланган ҳолда ҳаки 30% олдиндан тўланиши шартни билан бошқариладиган нархлар бўйича кўмир сотадиган ташкилотлар билан тузиладиган тўғридан-тўғри шартномаларга кўра амалга оширилади.

40. Кўмир, мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ҳажмлардан ташқари, тузилган шартномага мувофиқ ҳаки 100% олдиндан тўланган ҳолда биржаса савдолари орқали сотилади. Биржаса савдоларида кўмир қазиб оловчи корхоналар сотувчилар, вилоят кўмир сотиш ташкилотлари (аҳолига сотиш учун) ва республиканинг бошқа истеъмолчилари харидорлар ҳисобланади.

Кўмирни биржаса савдоларига кўйишда унинг бошлангич нархи белгиланган нарх даражасида белгиланади.

## **VII. Пахта линтини сотиши тартиби**

41. Пахта линти экспортга ташқи савдо компаниялари томонидан балансларда назарда тутилган ҳажмларда сотилади.

42. Пахта линти республиканинг норезидентларига эркин муомаладаги валютага, шу жумладан экспортга «Ўзаукционсавдо»нинг кимошди савдоларида балансларда тасдиқланган ҳажмлар доирасида сотилади.

43. Пахта линти Кўрлар жамияти корхоналарига, Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасига балансларда назарда тутилган ҳажмларга мувофик, ҳақи камиди 30% миқдорида олдиндан тўланган ва етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида тўлиқ тўланган ҳолда преискурант нархлардан 5% ортиқ бўлган нархлар бўйича сотилади.

44. Пахта линти республика истеъмолчиларига Ўзбекистон республика товарнома ашё биржаси орқали кимошди савдолари орқали миллӣ валютага сотилади. Кимошди савдоларида пахта линтининг бошлангич нархи преискурант нархдан паст бўлмаган даражада белгиланади.

45. Пахта линти республика корхоналарига ҳам тўғридан-тўғри шартномалар, ҳам кимошди савдоси натижалари бўйича камиди 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақини тўлаш ва етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида тўлиқ ҳақ тўлаш шартни билан сотилади.

## **VIII. Минерал ўғитларни сотиши тартиби**

46. Минерал ўғитлар:

қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг балансларда назарда тутилган ҳажмларда давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятларини бажариши учун — «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари орқали:

давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятлари билан қамраб олинмаган маҳсулотлар етишириш учун қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига — «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари орқали бевосита биржа савдоларида биржа нархлари бўйича ва минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиб олувчи ихтисослаширилган улгуржи корхоналарга ҳақи 100% олдиндан тўланган ҳолда сотилади.

47. Давлат эҳтиёжлари учун шартнома мажбуриятларини бажариш учун қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар сотиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари ўзларининг туманлараро ва туман филиаллари орқали худуд бўйича реал талабни ўрганадилар, буюртманомалар тўплайдилар ва минерал ўғитларнинг аник турларини етказиб бериш учун пировард истеъмолчилар — қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан шартномалар тузадилар;

б) «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида хар йили, 1 октябрдан кечикмай республика вилоятлари бўйича минерал ўғитларга бўлган эҳтиёж прогнозини тузадилар ва уни мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи корхоналарида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича келгуси йилга дастурни ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига тақдим этадилар;

в) ишлаб чиқарувчи корхоналардан минерал ўғитларни харид қилиш «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида хар йили, 1 октябрдан кечикмай республика вилоятлари бўйича минерал ўғитларга бўлган эҳтиёж прогнозини тузадилар ва уни мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи корхоналарида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича келгуси йилга дастурни ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига тақдим этадилар;

лоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари томонидан ҳар йили ўтказиладиган ярмарка савдоларида ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг эълон қилинган нархлари бўйича амалга оширилади;

г) минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисидаги шартномага маҳсулот учун етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида узил-кесил хисоб-китоб қилган ҳолда маҳсулотнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун олдиндан 30% ҳақ тўлаш шартларида етказиб беришнинг ойма-ої жадвали илова қилинади;

д) «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари минерал ўғитларни пировард истеъмолчиларга — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказиб беришни шартномаларнинг ажралмас қисми хисобланган етказиб беришнинг ойлик жадваллари асосида амалга оширадилар. Етказиб бериш маҳсулот учун етказиб берилгандан кейин 60 кун мобайнида узил-кесил хисоб-китоб қилган ҳолда етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир туркуми учун олдиндан 30 фоиз ҳақини тўлаш шартларида амалга оширадилади.

Аванс тўлови ва (ёки) етказиб берилган минерал ўғитлар учун узил-кесил хисоб-китоб қилиш кечикишининг барча ҳолларида минерал ўғитларни кейинги етказиб бериш қарз тўлиқ тўлангунгача тўхтатилади.

48. Минерал ўғитлар экспортга, коидага кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тасдиқланган баланслардаги ҳажмлар доирасида сотилади.

49. Технология эҳтиёжларига мўлжалланган минерал ўғитлар балансларда назарда тутилган ҳажмларда ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, 100% миқдорида олдиндан ҳақ тўланган ҳолда қонун хужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нархлар бўйича сотилади.

50. Мазкур Низомнинг 47, 48, 49-бандларида санаб ўтилганлардан ташқари минерал ўғитлар ҳажми биржа савдоларида 100% олдиндан ҳақ тўланган ҳолда сотилади.

Минерал ўғитларни ишлаб чиқарувчи заводлар биржа савдоларида сотувчилар сифатида иш кўради. «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятлари хўжаликларнинг барча тоифаларига кирувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун минерал ўғитлар сотувчи ихтисослаштирилган улгуржи корхоналар биржа савдоларида харидорлар сифатида иш кўради. Минерал ўғитларни биржа савдоларига қўйишдаги бошлангич нарх белгиланган (эълон қилинадиган) нарх даражасида белгиланади.

51. Белгиланган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра харид қилинган минерал ўғитлар ресурслари қайта сотилиши мумкин эмас.

Биржа савдоларида сотиб олинган минерал ўғитлар ресурсларидан фактат республика худудида фойдаланилади ва улар экспортга етказиб берилиши мумкин эмас.

## **IX. Қора металлар прокатини сотиш тартиби**

52. Балансда ажратилган лимитлар бўйича қора металлар прокатини сотиш тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун, шу жумладан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар куриш учун саклаб қолинади.

Истеъмолчиларнинг ушбу тоифаларига қора металлар прокати 100% олдиндан ҳақ тўлаган ҳолда қонун хужжатларига мувофиқ аниқланадиган белгиланган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра сотилади.

Белгиланган нархлар бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра харид қилинган қора металлар прокати қайта сотилиши мумкин эмас.

53. Қора металлар прокати республиканинг бошқа истеъмолчилариға биржасавдолари (кимошди савдолари) орқали балансларда назарда тутилган ҳажмларда, шунингдек 100% ҳақи олдиндан тўланган холда биржа котировкалари (кимошди савдолари)нинг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномаларга кўра сотилади. Қора металлар прокатини биржа ва кимошди савдолариға қўйишда бошланғич нарх белгиланган (эълон қилинган ёки қайд этилган) нарх даражасида белгиланади.

Биржа савдоларида сотиб олинган қора металлар прокатидан факат республика худудида фойдаланилади ва улар экспортга етказиб берилиши мумкин эмас.

54. Қора металлар прокати экспортга, қоидага кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан балансларда тасдиқланадиган ҳажмларда сотилади.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**58      Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўта-  
ётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғриси-  
даги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
2 февралда 1307-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунинг 3-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда), Божхона кодексининг 45-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 374-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсан.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Бош божхона бошқармасининг 1995 йил 1 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги Мувакқат йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 59-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Раис ўринбосари С. Насиров зиммасига юклатилсан.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 5 ноябрь,  
01-02/20-46-сон

Давлат божхона қўмитасининг  
2003 йил 5 ноябрдаги 1-02/20-46-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган  
шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Божхона кодексларига ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва божхона чегарасидан ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро аэропортларнинг транзит зонасида турган шахсни кўздан кечириш асослари ва унинг тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 49-моддасига қўра, божхона органлари божхона назоратини ўтказишда қоида тариқасида, назоратнинг қонун хужжатларига риоя қилинишини таъминлаш учун етарли бўлган шаклларини қўллайдилар.

Божхона назоратининг айрим шаклларини қўлламаслик ёки улардан озод қилиш шахсларни қонун хужжатларига риоя этиш мажбуриятидан озод қилинишини билдирамайди.

2. Божхона назоратининг «Шахсни кўздан кечириш» шакли божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосарининг ёзма қарорига асосан божхона органининг мансабдор шахси томонидан амалга оширилади.

3. Қонун хужжатларини бузиш обьектлари хисобланувчи товарларни ўз ёнида яшираяпти ва кўрсатмаяпти деб хисоблашга асослар бўлган тақдирда божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очик аэропортнинг транзит зонасида турган ҳар қандай жисмоний шахс кўздан кечирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва собиқ Президенти, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳолда божхона чегарасидан ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг аъзолари божхона назоратининг «Шахсни кўздан кечириш» шаклидан озод қилинади.

Қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг судьялари ҳам шахсий кўрикдан ўтказилмайди.

1961 йил 18 апрелда қабул қилинган «Дипломатик муносабатлар тўғрисида»ги Вена конвенциясига мувофиқ дипломатик иммунитетга эга бўлган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро шартномаларда назарда тутилган кўздан кечиришдан озод этилган бошқа шахслар кўздан кечирилмайди.

Агар, кўрсатиб ўтилган шахсларни кўздан кечириш зарурати мавжуд бўлса, «Шахсни кўздан кечириш» халқаро шартномаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## II. Шахсни кўздан кечириш асослари ва тартиби

4. Шахсни кўздан кечириш учун қуийдагилар асос бўлиб хисобланади:

- а) фуқароларнинг хабарлари ёки аризалари;
- б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикасининг бош-ка давлат органларидан тушган материаллар;
- в) хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари ҳамда халқаро ташки-лотларнинг маълумотлари;
- г) Ўзбекистон Республикасинининг божхона органларидан келган ахборотлар-да мавжуд бўлган тегишли маълумотлар;
- д) жисмоний шахс томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилиши тақиқ-ланган ашёлар яширилаётгани ва божхона назоратига тақдим этилмаётганини тўғри-сида гумон қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита ишора қилувчи аломатлар-нинг божхона органи мансабдор шахси томонидан аниқланиши.

5. Жисмоний шахсни кўздан кечириш тўғрисида божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари ёзма қарор қабул қиласди. Шахсни кўздан кечириш шакли бож-хона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари томонидан шахсни кўздан кечириши тезлаштириш мақсадида аниқ шароитлар — вакт, кун, масофанинг узоқ ёки яқинлигига қараб белгиланади. Қарорда шахсни кўздан кечириш топширилган бож-хона органи мансабдор шахси аниқ кўрсатилиши шарт.

6. Шахсни кўздан кечириш — божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбоса-ри тайинлаган божхона органининг мансабдор шахси томонидан, холислар иштиро-кида, зарурат туғилганда мутахассислар, шу жумладан тибиёт ходими ва таржи-мон таклиф этилган ҳолда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахслар уларнинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандлик-ка оловчилари, васийлари ёки ҳомийлари) иштирокида, қаровга муҳтоҷ бўлган жис-моний шахслар эса уларни етаклаб юрувчи шахслар иштирокида кўздан кечири-лади.

Шахсни кўздан кечиришда иштирок этиш учун бериладиган рухсат масаласи ушбу тадбирни амалга ошираётган мансабдор шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси талабларига биноан ва мазкур Йўриқномага асосан кўриб чиқилади.

Кўздан кечирилаётган шахс кўздан кечириш жараёнида химоячини (адвокат-ни) иштирок этишини талаб қилишга хақли. Бу ҳолда химоячи етиб келгунинг қадар кўздан кечириш тўхтатиб турилади.

Шахсни кўздан кечиришда иштирок этиши назарда тутилмаган ёки ушбу тад-бирга умуман алоқаси бўлмаган шахсларнинг қатнашиши тақиқланади.

7. Шахсни кўздан кечиришни амалга оширувчи божхона органи мансабдор шахси ҳамда унда иштирок этувчи бошқа шахслар кўздан кечирилаётган шахс билан бир жинсда бўлишлари шарт. Шу билан бир қаторда шахсни кўздан кечиришда қатна-шувчи бошқа шахслар кўздан кечириш ўтказилган кунга қадар voyaga етган бўлиш-лари лозим.

8. Кўздан кечирилаётган шахснинг танасини текширувдан ўтказиш факат тиб-биёт ходими томонидан амалга оширилади.

9. Шахсни кўздан кечириш ушбу шахснинг қадр-кимматини камситмасдан, унинг соғлиги ва мулкига зарар етказмасдан, яшириши мумкин бўлган ашёни аниқлаш учун зарур бўлган доирада ўтказилади.

10. Шахсни кўздан кечириш натижасида унинг жўнаб кетиши асосиз ке-чикирилса ва у айбиз деб топилса божхона органи мансабдор шахслари томо-

нидан мазкур шахс навбатдаги яқин рейс билан манзилига жүнатыб юборилиши шарт.

### **III. Шахсни кўздан кечиришда иштирок этувчи шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

11. Кўздан кечиришда божхона органи мансабдор шахсининг хуқуқ ва мажбуриятлари.

а) Божхона органининг мансабдор шахси қўйидаги ҳолларда шахсни кўздан кечиришни ўтказишида қатнаша олмайди ва кўздан кечириш ўтказишини рад этиши лозим:

кўздан кечирилаётган жисмоний шахснинг қариндоши бўлган чоғда;

божхона органи мансабдор шахси, мазкур текширув натижасидан тўғридан-тўғри ёки қисман манфаатдор бўлса;

шахсни кўздан кечириш жараёнида кўздан кечирилаётган шахсга зарар келтириши эҳтимоли мавжуд бўлса.

Божхона органи мансабдор шахси юқорида кўрсатилган сабабларга кўра шахсни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаса, божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари шахсни кўздан кечиришни янги қарор билан бошқа мансабдор шахсга топширади.

Кўздан кечиришни ўтказиш вазифаси юклатилган божхона органи мансабдор шахси томонидан шахсни кўздан кечириш ўтказишига эътиroz билдириб, кўздан кечирилиши лозим бўлган вояга етмаган ёки норасо бўлган шахсларнинг қонуний вакиллари шикоят қилишлари мумкин.

Шикоят асосли деб топилса кўздан кечиришни ўтказиш божхона органининг бошқа мансабдор шахсига топширилади.

б) Шахсни кўздан кечираётган божхона органи мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида, шунингдек мазкур Йўриқномада белгиланган хуқуқларга эга.

в) Шахсни кўздан кечириш топширилган божхона органи мансабдор шахснинг мажбуриятлари:

шахсни кўздан кечириш хақидаги кўрсатмани аниқ ва ўз вақтида амалга ошириш;

шахсни кўздан кечиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошка қонун хужжатларига ҳамда мазкур Йўриқномада белгиланган тартибга амал қилиш;

мазкур Йўриқномага илова қилинган шаклда шахсни кўздан кечириш ҳақидаги баённомани тузиш ва кўздан кечирилаётган шахсни тузилган баённома билан танишириш;

кўздан кечириш жараёнида қатнашаётган шахсларнинг фикр-мулоҳазаларини баённомада тўлиқ қайд этиш.

12. Кўздан кечиришда холисларнинг иштироки.

а) Холис сифатида, шахсни кўздан кечириш натижаларидан манфаатдор бўлмаган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари таклиф этилиши мумкин.

Таклиф этиладиган холислар сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим.

б) Холислар кўздан кечириш жараёнини кузатиб бориш, шахсни кўздан кечириш вақтидаги хатти-харакатлар юзасидан ўз фикрини билдириш, фикр-мулоҳазаларини баённомада қайд этилишини талаб қилиш, баённома билан танишиш ҳамда

кўздан кечириш жараёнидаги божхона органи мансабдор шахсларининг хатти-харакатлари юзасидан шикоят қилиш хукукига эгалар.

в) Холислар шахсни кўздан кечиришнинг барча жараёнларида иштирок этишлари, ўтказилган кўздан кечириш жараёни ва натижаларини баённомада имзо чекиб тасдиқлашлари ҳамда божхона органи мансабдор шахсининг рухсатисиз кўздан кечиришда аниқланган маълумотларни ошкор қилмасликлари шарт.

13. Кўздан кечиришда тибиёт ходимининг иштироки.

а) Тибиёт ходими шахсни кўздан кечириш чорида жисмоний шахс соғлиғига зиён келтирмайдиган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш, кўздан кечирилаётган шахсга саволлар бериш, ўз фикр-мулоҳазаларини шахсни кўздан кечириш баённомасига киритиши талаб қилиш, кўздан кечириш натижаси бўйича тузилган баённома билан танишиш, тана аъзолари кўригига алоқадор бандларда ўз тузатишларини киритиш, кўздан кечириш жараёнида божхона органи мансабдор шахсларининг хатти-харакатлари юзасидан шикоят қилиш хукукига эга.

б) Божхона органи мансабдор шахси томонидан шахсни кўздан кечиришга жалб қилинган тибиёт ходими кўздан кечирилаётган жисмоний шахснинг тана аъзоларини ва зарур бўлганда ички органларини зарар келтирмаган ҳолда шахсан текшириши, кўздан кечириш жараёни ҳакида тушунтириш бериши, шахсни кўздан кечириш баённомаси ва бошқа хужжатларни ўз имзоси билан тасдиқлаши, шунингдек, кўздан кечириш натижасида аниқланган маълумотларни божхона органи мансабдор шахсининг рухсатисиз ошкор қилмаслиги шарт.

14. Кўздан кечиришда қатнашувчи бошқа мутахассисларнинг иштироки.

а) Кўздан кечиришда қатнашувчи бошқа мутахассис кўздан кечирилаётган шахсга савол бериш, яширилган ашёларни топиш ва аниқлашда илмий-техника воситалари ва усулларидан фойдаланиш, кузатувлар, ўлчов ва тадқиқотлар олиб бориш, шахсни кўздан кечираётган божхона органи мансабдор шахсига маҳсус билим ва тажриба талаб қилинадиган масалалар бўйича зарур бўлганда ўз маслаҳатларини бериш, ўзи иштирок этаётган масалалар юзасидан фикр билдириш ва уларни баённомада қайд этилишини талаб қилиш, шунингдек, кўздан кечириш жараёнида божхона органи мансабдор шахсларининг хатти-харакатлари юзасидан шикоят қилиш хукукига эга.

б) Шахсни кўздан кечиришда иштирок этаётган бошқа мутахассис божхона мансабдор шахсининг талабларини аниқ бажариши, шахсни кўздан кечиришнинг барча босқичларида иштирок этиши, ўзининг маҳсус билимлари ва тажрибасидан фойдаланиб, кўздан кечирилаётган шахс яширган ашёларни топиш ва аниқлашда қатнашиши, шахсни кўздан кечириш чорида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга божхона мансабдор шахсининг эътиборини қаратиши, ўзи бажараётган хатти-харакатларга изоҳ бериб бориши, шахсни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унинг иштирокида расмийлаштирилаётган бошқа хужжатларга имзо чекиши ҳамда кўздан кечириш жараёнида аниқланган ҳолатларни божхона органи мансабдор шахсининг рухсатисиз ошкор қилмаслиги лозим.

15. Шахсни кўздан кечиришда таржимоннинг иштироки.

а) Кўздан кечирилаётган шахс баённома расмийлаштирилаётган тилни билмаса, зарурат юзасидан таржимон жалб этилади.

Таржимон шахсни кўздан кечиришнинг барча босқичларида божхона органи мансабдор шахсининг ташаббуси ёки кўздан кечирилаётган шахс ёхуд унинг конуний вакиллари талаби асосида жалб қилиниши мумкин.

Таржимон жалб қилинган ҳолларда кўздан кечириш таржимон келгунига қадар тўхтатиб турилади.

б) Кўздан кечириш жараёнида иштирок этувчи таржимон таржимани тўғри бўлиши мақсадида иштирокчиларга савол бериш, кўздан кечириш баённомаси билан танишиш, баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазаларини билдириш, агар таржима қилишга етарли билими ва тажрибаси бўлмаса кўздан кечиришда иштирок этишни рад қилиш ҳамда кўздан кечириш жараёнида божхона органи мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш хукуқига эга.

в) Таржимон кўздан кечириш жараёнида қатнашиши, таржимани аниқ ва тўлик бажариши, таржиманинг тўғрилиги ҳақида кўздан кечириш ҳақидаги баённомага имзо чекиб тасдиқлаши, божхона органи мансабдор шахсининг рухсатисиз кўздан кечиришда аниқланган маълумотларни ошкор қиласлиги лозим.

16. Шахсни кўздан кечириш жараёнида кўздан кечирилаётган шахснинг хукуқ ва мажбуриятлари.

а) Кўздан кечирилаётган шахс божхона органи мансабдор шахсининг қонуний талабларини бажариши шарт.

б) Кўздан кечириш ўтказилаётган шахс қўйидаги хукуқларга эга:

божхона органи мансабдор шахсидан кўздан кечириш ҳақидаги қарорни кўрса-тилишини талаб қилиш;

ўз хукуқ ва мажбуриятлари билан танишиш;

ўз эътирози ёки норозилигини ёзма ёки оғзаки маълум қилиш;

тушунтириш ва тавсифлар бериш;

шахсни кўздан кечириш натижаси бўйича тўлдирилган баённома билан танишиш, унинг мазмуни бўйича ўз эътиrozларини билдириш;

таржимон хизматидан фойдаланиш;

кўздан кечириш жараёнида ҳимоячи қатнашишини талаб қилиш ва ҳимоячи хизматидан фойдаланиш;

шахсни кўздан кечириш чоғида қўлланилган хатти-ҳаракатлар юзасидан ҳамда кўздан кечирган шахс ва бошқа иштирокчилар устидан шикоят қилиш.

#### **IV. Шахсни кўздан кечиришга тайёргарлик**

17. Божхона органи мансабдор шахси шахсни божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосарининг кўздан кечириш ҳақидаги қарори билан таништиради.

18. Кўздан кечириладиган шахс божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосарининг кўздан кечириш ҳақидаги қарори билан танишиб, баённомага ўз имзосини кўяди.

Агар шундай ҳаракатдан воз кечилган тақдирда, шахсни кўздан кечириш ҳақидаги баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади ва божхона органининг мансабдор шахси ҳамда холислар имзоси билан тасдиқланади.

19. Кўздан кечириладиган шахс, шахсни кўздан кечириш ҳақидаги қарор билан таништирилгач, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ёки мазкур Йўриқномага зид келмаган кўрсатмалар ва талабларга амал қилиши, шахсни кўздан кечириш тайинланган вақти, жойи, усуслари ва расмийлаштириш тартибларига бўйсуниши шарт.

Божхона органи мансабдор шахсининг қонуний талблари, кўздан кечирилаётган шахс томонидан бажарилмаса ёки бажарилишига тўсқинлик қилинса, ушбу хатти-ҳаракатлар кўздан кечирилаётган шахсни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 287-моддаси 6-бандига биноан маъмурий ушлаб турилишига асос бўлади.

20. Шахс кўздан кечириш ҳақидаги қарор билан таништирилгач, кўздан кечи-

риш хонасига олиб кирилади ҳамда холислар иштирокида унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

21. Жисмоний шахсга божхона назоратидан яширган буюм ва ашёларни ўз хохишига кўра топшириши таклиф этилади. Ўз хохиши билан топширилган буюм ва ашёлар кўздан кечиришда иштирок этаётган шахсларга кўрсатилади.

22. Жисмоний шахс ўз ихтиёри билан яширган ашёларини беришдан бош тортса ёки ушбу ашё берилгандан кейин ҳам божхона органи мансабдор шахси яширилган ашёлар борлиги ҳақида шубҳа қиласа, божхона органи мансабдор шахси жисмоний шахсни кўздан кечиришга киришади.

23. Агар жисмоний шахс ўзини кўздан кечирадиган божхона органи мансабдор шахсидан норози эканлигини маълум қиласа, бу ҳолатда ушбу мансабдор шахс божхона органи бошлифи ёки бошлиқ ўринбосарини бу ҳақда хабардор этади.

#### **V. Шахсни кўздан кечириш қоидалари**

24. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида кўздан кечирилаётган шахснинг ёнида ўқ-отар, газли ёки совук қуроллар ёхуд ҳужум қилишга аскотадиган бошқа ашёлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинганидан кейингина кўздан кечириш амалга оширилади.

25. Шахсни кўздан кечириш божхона органининг ушбу тадбир ўтказишга мўлжалланган ва махсус жихозланган хонасида ўтказилади. Ушбу хона тозалик қоидаларига мос келиши шарт. Шароит тақозо қилганда, шахсни кўздан кечириш ёпик, тозалик қоидаларига мос биноларда, жумладан божхона постларида, аэропорт, вокзал ва бошқа ташкилотларнинг берк хоналарида амалга оширилади.

26. Шахсни кўздан кечириш хонасига олиб кетилаётганда, у ўзидағи ашёлар, ҳужжатларини ерга ташлаб юбормаслиги ёки бирор жойга яширмаслиги устидан назорат таъминланиши шарт.

27. Шахс кўздан кечириладиган хона, божхона органи мансабдор шахси томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилиши лозим. Хонанинг эшиги, деразаси, туйнуги ёпиқ бўлиши, ҳужум қилиш учун фойдаланадиган ашёлар бўлмаслиги лозим.

28. Шахсни кўздан кечириш хонасига бегона кишиларнинг кириши, четдан хонани кузатиш имконияти бутунлай бўлмаслиги шарт.

29. Битта хонада бир вақтнинг ўзида бир неча кишини кўздан кечириш қатъян ман қилинади.

30. Шахсни кўздан кечираётган божхона органи мансабдор шахси томонидан жисмоний шахснинг кийими, пойабзали ва бошқа буюмларини дикқат билан текшириш зарур.

31. Шахсни кўздан кечириш пайтида:

а) кўздан кечирилаётган шахснинг барча ашёлари (таёқ, соябон, портмоне, зажигалка, авторучка, портсигара ва бошқалар) кўздан кечирилади;

б) кўздан кечирилаётган шахснинг устки кийими, пойабзали ва бош кийими ечиб кўздан кечирилади;

в) кўздан кечирилаётган шахснинг ички кийимларининг устки қисми синчиклаб кўздан кечирилади;

г) кўздан кечирилаётган шахснинг ички кийимлари ечиб кўздан кечирилади;

д) кўздан кечирилаётган шахснинг бадани кўздан кечирилади, унинг соchlари, қўллари, оёқларининг таги, бармоқларининг ораси кўздан кечирилади.

32. Шахсни кўздан кечириш чоғида, унинг ўзини қандай тутиши доимо кузади.

тиб борилади, шунингдек кийимлари, пойабзали ва бошқа шахсий ашёларининг таъмиранганингига, унинг танасига боғланган бинтлари ёки баъзи бир нарсаларни яшириши мумкин бўлган ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор берилади.

33. Кийим-бош ва пойабзалларни кўздан кечираётганда уларнинг қўлда ишланганиги, ортопед пойабзали, бош кийим ёки оёқ кийимнинг тикилган чоклари, ямоқлари, қайтарилган жойлари, елкалари, кийим қаватлари, бели, пойабзалининг кўнжи, патаги ва товонларига эътибор қаратилади.

34. Кўздан кечираётган шахснинг мулкига эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш мақсадида, баъзи бир ашёлар факат зарурат туғилганда қўлга олиб ёки ичини очиб кўрилади.

35. Агар кўздан кечираётган шахс божхона назоратига тақдим этмаган ашёларни ўз ихтиёри билан топширса ва божхона органи мансабдор шахси кўздан кечираётган шахсда бошқа ашёлар йўклигига ишонч ҳосил қиласа, божхона органи мансабдор шахси шу ашёларни расмийлаштириш билан чекланиши мумкин.

36. Кўздан кечираётган шахсдан топилган ёки унинг ўзи топширган ашёлар унга кўрсатилади ҳамда унинг олиш имконияти бўлмаган жойга қўйилади.

37. Божхона органи мансабдор шахси кўздан кечириш тугаллангандан сўнг, кўздан кечириш ўтказилган хонани эътибор билан кўздан кечиради.

Агар кўздан кечирилишига қадар бўлмаган ашёлар, кўздан кечириш ўтказилгандан кейин пайдо бўлиб қолган бўлса, божхона органи мансабдор шахси ушбу ашёнинг кимга тегишли эканини аниқлаш учун зарур чоралар кўриши лозим.

38. Кўздан кечиришда иштирок этган шахсларнинг кўздан кечириш натижаларини ошкор қилишлари қатъян ман этилади.

39. Кўздан кечириш пайтида шахснинг маълум бўлган жисмоний камчиликлари ёки бошқа ўзига хос томонларини ошкор қилиш тақиқланади.

40. Шахсни кўздан кечириш пайтида ушбу Йўриқноманинг 38 ва 39-бандларида назарда тутилган ҳолатларни ошкор қилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **VI. Шахсни кўздан кечиришни расмийлаштириш**

41. Шахсни кўздан кечириш ниҳоясига етгандан сўнг божхона органи мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда шахсни кўздан кечириш ҳақида икки нусхада баённома тузилади. Баённоманинг бир нусхаси, кўздан кечириш ўтказилаётган шахсга берилиши шарт. Агар шахс баённоманинг нусхасини олишдан бош тортса, у ҳолда баённоманинг иккинчи нусхаси ҳам божхона постидаги йифма жилда сакланади.

42. Шахсни кўздан кечириш баённомасида кўйидагилар қайд этилади:

баённоманинг қаерда ва қайси куни тузилгани ҳамда шахсни кўздан кечириш бошланган ва тугалланган вақти;

шахсни кўздан кечирган ва баённома тузган божхона органи мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда у хизмат қилаётган божхона органининг номи;

шахсни кўздан кечириш ҳақида қарор чиқарган божхона органи бошлиғи (ёки унинг ўринбосари) фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда у хизмат қилаётган божхона органининг номи;

кўздан кечираётган шахснинг фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган ўили, хужжатларидағи маълумотлар;

шахсни кўздан кечириш хонаси ёки жойи (аэропорт, вокзал, поезд ва бошқа бинолар) ҳақида маълумотлар;

шахсни кўздан кечиришда иштирок этган холисларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ёки иш жойи ҳақида маълумотлар;

шахсни кўздан кечиришда иштирок этган тиббиёт ходими ва таржимон, шу жумладан бошқа мутахассисларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи мутахассислигини тасдиқловчи маълумотлар;

кўздан кечирилган шахс ва бошқа иштирок этаётган шахсларнинг хукуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳақида маълумотлар;

кўздан кечирилаётган шахсга кўздан кечириш ҳақидаги қарорни эълон қилинганини ҳамда яширган ашёларини ўз ихтиёри билан топшириш ҳақидаги таклиф;

кўздан кечирилаётган шахснинг яширган ашёлари қай ҳолда топилгани ёки унинг ўз ихтиёри билан топширганлиги, ашёларнинг хусусиятлари, сони ҳақида маълумот;

шахсни кўздан кечиришнинг давомийлиги ёки чегараси;

кўздан кечиришда қўлланилган техника воситалари, тиббий асбоб-ускуналар (уларнинг тури, русуми, маркаси), уларнинг қўлланиш шароити ва тартиби;

кўздан кечирилаётган шахс ва ушбу тадбирда иштирок этаётган шахсларнинг фикр-мулоҳазалари, эътиrozлари ва аризалари;

кўздан кечирилаётган шахснинг ўзини қандай тутганлиги ҳақида тавсифнома (агар зарурат туғилса).

43. Кўздан кечирилган жисмоний шахс баённомага имзо чекишдан бош тортса, бунинг сабаби баённомада қайд этилади ва холислар томонидан имзоланади.

44. Шахсни кўздан кечириш баённомасига қўйидагилар илова қилинади:

кўздан кечирилган жисмоний шахс ўз ихтиёри билан берган ашёлар;

шахсни кўздан кечириш вақтида топилган ёки тортиб олинган ашёлар;

шахсни кўздан кечириш вақтида олинган фотосуратлар, уларнинг негативлари, киноленталар, аудио ва видео ёзувлар;

кўздан кечирилган жисмоний шахс, ушбу тадбирда иштирок этган мутахассис, тиббиёт ходими, холисларнинг тушунтириш хатлари ва аризалари;

расмийлаштирилган кузатув, ўлчов ва тадқиқ натижалари ҳамда қўлланилган тиббий воситалар ёки улар тўғрисида маълумотлар.

45. Кўздан кечирилган жисмоний шахснинг ўз ихтиёри билан топширган ёки топилган ашёлар, видео, аудио, фото ва кинотасмалар ва бошқа нарсалар алоҳида пакетга жойланади ва муҳрланади. Ушбу пакетда зарур бўлган тушунтиришлар бўлиши, божхона органи мансабдор шахси ва холислар имзоси билан тасдиқланishi лозим.

46. Шахсни кўздан кечириш баённомаси «Шахсни кўздан кечиришларни қайд этиш» журналида кун ва йил тартибida қайд этилиши лозим.

47. Журнал ва баённома шахсни кўздан кечирилган божхона органида сакланади.

48. Божхона қонун хужжатлари бузилганлиги ҳақида иш қўзғатилса, шахсни кўздан кечириш тўғрисидаги баённома божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузиш холати бўйича юритилган иш материалларига қўшилади. Кўздан кечириш ўтказилган постда унинг нусхаси қолдирилади.

49. Божхона қонун хужжатлари бузилганлиги холати аниқланса, хукуқбузарлик содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**VII. Якуний қоидалар**

50. Божхона органи мансабдор шахсининг шахсни кўздан кечириш чоғидаги ноқонуний хатти-харакатлари устидан шикоят қилиш — кўздан кечирилаётган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

51. Шахсни кўздан кечираётган божхона органи мансабдор шахсининг ноқонуний хатти-харакати натижасида ва кўздан кечириш оқибатида кўздан кечирилаётган шахснинг мулкига етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қопланади.

52. Шахсни кўздан кечираётган божхона органи мансабдор шахси ушбу Йўриқнома талабларига риоя қилмаган холларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси  
божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни  
кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**  
**Шахси кўздан кечириш**  
**БАЁННОМАСИ**

200\_\_ й. «\_\_»\_\_\_\_\_

(жой номи)

(божхона органи мансабдор шахснинг лавозими, унвони, фамилияси ва отасининг исми)

қўйидаги баённома Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 45-модда-  
сига асосланиб \_\_\_\_\_

(божхона орган» бошлигининг ёки уннинг вазифасини бажарувчи шахснинг исми ва фамилияси)

ва қарорига кўра туздим.

Шахси кўздан кечириша фуқаро \_\_\_\_\_

(фуқаролиги, исми ва фамилияси)

туғилган жойи ва куни. чегарани кесиб ўтишига

берилган рухсат хақидаги паспорт ёки бошқа хужжат раками, кўздан кечириш ўтказнлган жой)

Қаердан келмоқда

(кайси давлатдан)

(кайси давлатга)

(сафардан кўзланган мақсад, рейс, поезд, автомашина раками)

Холислар иштироки 1. \_\_\_\_\_

(исми ва фамилияси лавозими, иш жойи ва яшаш манзили)

2. \_\_\_\_\_

(исми ва фамилияси, лавозими, иш жойи ва яшаш манзили)

---

**Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.**

Мутахассис, тиббиёт ходими ва таржимон иштироки

1. Мутахассис \_\_\_\_\_  
(исми ва фамилияси, лавозими, иш жойи ва яшаш манзили)

2. Таржимон ва тиббиёт ходими \_\_\_\_\_  
(исми ва фамилияси, лавозими, иш жойи ва яшаш манзили)

Фуқаро \_\_\_\_\_ шахсни кўздан кечириш хақидаги қарор билан  
 таниширилди ва унга божхона назоратига кўрсатилмаган валюта, ашёлар — қим-  
 матбаҳо нарсаларини топшириш таклиф этилди.  
 фуқаро \_\_\_\_\_ маълум қилди \_\_\_\_\_

(агар ашйлар, қимматбаҳо нарсалар кўрсатилган бўлса уларнинг алоҳида жихатлари, сони, каерда тургани)

имзолар

шахсни кўздан кечириш натижасида фуқаро \_\_\_\_\_ дан  
(исми ва фамилияси)

ТОПИЛДИ \_\_\_\_\_  
(қандай ашёлар, ашёларнинг баҳоси, уларнинг хусусий

жихатлари, сони, каерда саклангани, уларни топишда

кандай техник воситалардан фойдаланганн ҳақида

Кўздан кечирилган шахс аризаси \_\_\_\_\_

Эслатма: \_\_\_\_\_

(амалга оширилган шахсни кўздан кечиришда катнашган шахсларнинг

фиқрлари, эътироzlари ва шикоятлари)

сухбат фуқаро эркин сўзлаша оладиган \_\_\_\_\_ тилда олиб борилди.  
 Баённома \_\_\_\_\_

(таржимоннинг исми фамилияси иш жойи ва яшаш манзили)

\_\_\_\_\_ томонидан фуқаро эркин сўзлашадиган тилга таржима қилинди  
 Шахсни кўздан кечиришда иштирок этган шахслар:

Кўздан кечириш  
 ўтказилган шахс:

(имзо)

(исми ва фамилияси)

Холислар: 1.

(имзо)

(исми ва фамилияси)

2.	_____	(имзо)	_____	(исми ва фамилияси)
Мутахассис:	_____	(имзо)	_____	(исми ва фамилияси)
Таржимон:	_____	(имзо)	_____	(исми ва фамилияси)
Шахсни кўздан кечиришнн ўтказди	_____	(имзо)	_____	(исми ва фамилияси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

## 59 Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактларни (шартномалар) ва битимларни хисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
2 февралда 832-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактларни (шартномалар) ва битимларни хисобга қўйиш тартиби»га иловага\* мувофик ўзгартришилар киритилсин (1999 йил 15 октябрь, рўйхат рақами 832-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Раис ўринбосари X. Серикбоев зимиасига юклатилсин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 30 октябрь,  
01-02/19-44-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
 АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИ  
 «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИННИНГ  
 ҚАРОРИ

## **60 Пахта хом ашёсига харид нархларни ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
 2 февралда 1208-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 12 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сон «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Вазирлар Махкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 3 июндаги 240-сон қарорига қисман ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарорларига мувофиқ **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2003 йил 4 январдаги 1, 1, 10, ЭГ-01/01-30, 01/4739-сон қарорлари билан тасдиқланган Пахта хом ашёсига харид нархларни ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар иловага\* мувофиқ киритилсин (2003 йил 22 январь, рўйхат рақами 1208-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2003 й., 1-2-сон).

2. Мазкур қарор 2003 йилги пахта толаси хосилини сотиш бошланган вақтдан кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2003 йил 22 декабрь,  
 123-сон

**Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
 2003 йил 22 декабрь,  
 17-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Кишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 22 декабрь,  
01 / 172-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. ФАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 22 декабрь,  
НН-01 / 10-4713-сон

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э. ЗИКРИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 22 декабрь,  
01 / 4127-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **61 Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
3 февралда 1156-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 13 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004 йил макроиқтисодий кўрсаткичларининг асосий параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 15 декабрдаги 547-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома (2002 йил 8 июль, рўйхат раками 1156-сон)га иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси в. б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 27 декабрь,  
32 / 13-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

---

**Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**62 Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб  
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-  
га ўзгартиришлар киритиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 февралда 1098-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Конуни 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилга Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорига мувофиқ **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 14 январда 6, 2002-10-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1098-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 3-4-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
8-сон

**Давлат солик қўмитасининг раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 январь,  
2004-08-сон

Молия вазирлиги ва  
Давлат солик қўмитасининг  
2004 йил 6 январдаги  
8, 2004-08-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш  
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўриқномага киритилаётган  
ўзгартириш**

1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
2. 10-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ер остидан фойдаланганлик учун солик юридик шахслар томонидан со-  
лиқ солиш обьекти ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланади. Солик  
бўйича ҳисоб-китоблар ўсиб борувчи якун бўйича 2-иловадаги шаклга мувофик,  
ҳисбот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйи-  
ча — йиллик молиявий ҳисботни тақдим этиш муддатида давлат солик органлари-  
га тақдим этилади»

3. 11-банднинг «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) рангли тош хом ашёси, палеонтологик қолдиклар ва бошқа геологик кол-  
лекция материаллари намуналарини тўплаганлик учун — хар чоракда ҳисоб-китоб-  
ларни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**63 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузури-  
даги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажрат-  
малар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим  
етиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 февралда 1308-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 21 августдаги  
361-сонли «Ўзвестий» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республика-  
си Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил  
етиш масалалари тўғрисида»ги қарорига мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги, Давлат солик қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл  
жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоб шакли 1-иловага\* мувофик;

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб шаклини тўлдириш ва тақдим этиш Қоидалари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

### **Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 январь,  
19-сон

### **Давлат солик қўмитасининг раиси Ж. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 январь,  
2004-14-сон

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУФИ**

## **64      Республика йўл жамғармасига ажратиладиган маблағларни ҳисоблаш шаклини давлат реестридан чиқариш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган хужжатни хукуқий экспертиза килиш натижаси бўйича 2004 йил 2 февралдаги хulosага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини тъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (ўзгартириш ва қўшимчалар билан) ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий хужжатларини қабул килиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 ноябрда 544-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Республика йўл жамғармасига ажратиладиган маблағларни ҳисоблаш шакли» давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукуқий хужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Ўзавтойўл» давлат-акционерлик компанияси, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси мазкур хужжат давлат реестридан чиқарилганлигини барча манбаатдор шахсларга етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилади.

3. Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-хуқуқий хужжат давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ҳамда барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун хужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (Б. Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг ўринbosари X.М. Содиков зиммасига юклансин.

**Вазир А.А. Полвон-зода**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 февраль,  
27-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2004 йил 31 январдан 6 февралгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 01-02 / 20-46-сон қарори.

**2004 йил 2 февралда 1307-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 февралдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 30 октябрдаги № 01-02 / 19-44-сон қарори.

**2004 йил 2 февралда 832-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 февралдан кучга киради).**

3. «Пахта хом ашёси учун харид нархи ва пахта толаси учун улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Узпахтасаноатсотиши» ююшмасининг 2003 йил 22 декабрдаги 123, 17, 01 / 172, НН-01 / 10-4713, 01 / 4127-сон қарори.

**2004 йил 2 февралда 1208-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 февралдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси банк муассассаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 32 / 13-сон қарори.

**2004 йил 3 февралда 1156-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 13 февралдан кучга киради).**

5. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун соликни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 6 январдаги 8, 2004-08-сон қарори.

**2004 йил 6 февралда 1098-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 февралдан кучга киради).**

6. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл

жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ва тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 19, 2004-14-сон қарори.

2004 йил 6 февралда 1308-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 февралдан кучга киради).

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Республика йўл жамғармасига ажратиладиган маблағларни ҳисоблаш шакли. «Ўзавтойўл» концерни томонидан тасдиқланган (23.11.98 й., рўйхат рақами 544).

Адлия вазирининг 2004 йил 6 январдаги 27-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.

**Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

